O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
280209

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 28 февраль, № 44 (4707) Шанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 февраль куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Шигео Кацуни қабул қилди.**





— Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз Жаҳон банкини дунё мамлакатларида ислоҳотларни амалга оширишда, иқтисодиётни юксалтиришда ёрдам кўрсатадиган етакчи халқаро молия муассасаси, деб биламиз.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йилнинг сентябрь ойида аъзо бўлган. Айни пайтда Ўзбекистон ушбу халқаро молиявий муассасага аъзо давлатларнинг Швейцария гуруҳи таркибидан жой олган.

Жаҳон банки 1992 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очди. Икки томонлама ҳамкорликда ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга устувор аҳамият берилади.

Ўзбекистон билан Жаҳон банкининг алоқалари муайян муддатга қабул қилинадиган ҳамкорлик стратегиясига асосланади. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик бўйича 2006-2009 йилларга мўлжалланган стратегия» амал қилмоқда.

Ўзбекистонда шу чоққача Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўн бешдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг умумий молиявий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Жаҳон банки билан иқтисодий-молиявий соҳалардан ташқари соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат сифатини яхшилаш, шунингдек, таълим ва экология соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилади.

Ш. Кацу самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондаги ислоҳотлар жаҳон молиявий инқирози таъсирини сусайтиришга хизмат қилишини, Жаҳон банки мамлакатимиз билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, амалдаги қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ҳамда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга оид ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Ўзбекистон савдо-саноат палатаси мамлакатимиздаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, ишбилармон доиралари вакилларининг хорижлик тадбиркору сармоядорлар билан самарали ҳамкорлик қилишларига, юртимизга энг замонавий мини технология ва ускуналар келтиришларига яқиндан кўмаклашиб келмоқда.***

### Доришунослар ҳамкорлиги

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ кўплаб маҳсулотларимиз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан дунё бозорларига чиқарилаётир.

Куни кеча Палата ташаббуси билан Ҳиндистоннинг фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 23 та компанияси вакиллари юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар ташриф доирасида мамлакатимиздаги фармацевтика саноати ютуқлари, тажрибалари билан танишадилар, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлган битимлар имзоланиши кўзда тутилган.

**М. ҲАМИДОВА.**

***Ромитан туманида тоза ичимлик суви билан таъминланган қишлоқлар сони яна олтитага кўпайди.***

### Сув таъминоти яхшиланмоқда

Туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига мувофиқ, қишлоқларга сув қувурлари ўтказилди. Эндиликда аҳоли сув сифати даражаси юқори саналган Зарафшон сув иншоотидан узатиладиган об-ҳаётдан фойдаланмоқда. Айтиш жоизки, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида Бухоро вилоятида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2008 йилда қарийб 150 километр узунликда қувурлар тортилиб, 52 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 апрелдаги қарорига асосан "Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш бўйича хайрия жамғармаси" ташкил этилган эди.***

### Хайриядан баҳраманд бўлишди

Ўтган йиллар мобайнида ушбу жамғарма томонидан аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кўплаб дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди.

Яқинда жамғарманинг навбатдаги лойиҳасига кўра, Оролни қутқариш халқаро агентлигининг 15,6 миллион сўмлик хайрия юклари Нукусга келтирилди. Витаминга бой озиқ-овқатлардан иборат ушбу ёрдам юклари Нукусдаги Республика силга қарши курашиш болалар санаторийси, 1-сонли юқумли касалликлар болалар санаторий-боғчаси, Хўжайлидаги 1-сонли республика Меҳрибонлик уйи ва Тахиатош шаҳридаги болалар уйига тақдим этилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қўшкўпир туманидаги Кенагас қишлоғида янги гузар қуриб фойдаланишга топширилди.***

### Фермер гузар қурди

Бу муҳташам иншоотни қишлоқдаги "Оллом ота" фермер хўжалиги раҳбари Қўзи Худойберганов барпо этди. Эндиликда бинода тикувчилик цехи, сартарошхона, гўшт дўкони ва бошқа турдаги хизмат шохобчалари иш бошлайди. Шунингдек, 600 ўринли тўйхона ҳам кенагасликларга хизмат қилади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

***Мамлакатимиз мустақиллиги ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, юртдошларимизда ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш бугунги кундаги муҳим вазифаларимиз сирасидандир.***

## Маънавият – бекиёс куч

Табиийки, мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг кўламли маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Республика Маънавият тарғибот марказининг 2008 йилдаги фаолияти сарҳисоби ҳамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда ушбу масалалар ҳақида сўз юритилди.

2008 йилда марказ ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда учрашув, давра суҳбатлари, анжуман ва семинарлар ўтказилди. Шунингдек, таълим масканлари, ҳарбий қисмлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, қишлоқ ва маҳаллаларда маънавий-маърифий ва ҳуқуқий мавзуларда 25 минг 300 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ДРЕЗДЕНДА ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ ТАҚДИМОТИ

***Германиянинг Дрезден шаҳрида «Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари» мавзусида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Жаҳон маданий мероси маркази ҳамда Дрезден университети томонидан мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда Саксония федерал ўлкаси расмий ва ишбилармон доиралари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Маросимда сўзга чиққан Жаҳон маданий мероси маркази директори Андреас Фридрих Буюк Ипак йўлининг дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари Осиё билан Европа ўртасидаги савдо ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришдаги ўзига хос кўприк сифатида тарихий аҳамият касб этишига эътибор қаратди. «Мазкур шаҳарларнинг тарихий-маданий ёдгорликлари нафақат ўзбек халқининг бойлиги ва ғурури, балки жаҳон меросининг бебаҳо қисми ҳамдир», деди немис олими.

Мамлакатимизда кўп маротаба бўлган ва юртимиз тарихини ўрганиб келаётган Дрезден университети тадқиқотчиси Йенс Йордан Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг тарихий ривожланиши босқичлари ҳақида гапирар экан, замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мамлакатимиздаги энг диққатга сазовор меъморчилик ёдгорликларининг барпо этилиши тарихи ва усулларини намойиш этди. Тақдимотда асосий эътибор Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Бибихоним мажмуи, Тилла қори, Шердор, Улуғбек мадрасалари, Бухородаги Сомонийлар мақбараси ва шаҳар қўрғони, Хивадаги Ичан қалъа ва Калта Минор каби тарихий иншоотларга қаратилди. Немис олими Темурийлар даври Мовароуннаҳр ҳудудида шаҳарсозлик, меъморчилик, фан ва маданиятнинг юксак даражада ривожлангани билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

**Биз ва жаҳон**

Й. Йордан, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқимизнинг маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш, қайта тиклашга қаратилаётган эътиборни алоҳида қайд этди. "Айни пайтга қадар ЮНЕСКО қарори ва шафъелигида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши ва Марғилон каби тарихий шаҳарларнинг юбилейларига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди, — деди олим. — Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти тарихий ёдгорликларни асраш борасида кенг фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам эътиборга молик".

Тадбир доирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тақдимот ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчиларга мамлакатимиз пойтахтининг бой тарихи ва бугунги ҳаёти, мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, пойтахтнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга йўналтирилган Ўзбекистон Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига бағишлаб немис тилида тайёрланган ҳужжатли фильм ҳамда Тошкентнинг тарихий қадамжолари ва бугунги ҳаётига бағишланган фотокўргазма намойиш қилинди.

Иштирокчилар эътиборига, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат қилиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилди.

**«Жаҳон»АА.**
Берлин.



**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

## ФАЙЗУ ТАРОВАТДАН ЯШНАГАН ЗАМИН

*Мамлакатни тараққиёт сари элтувчи куч — бу яратувчанлик ғоясидир. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам ана шу ҳаётбахш ғояга асосланган. Бугун ҳар биримиз юртимиз миқёсида рўй бераётган улкан бунёдкорлик ишларининг бевосита гувоҳи ва иштирокчисимиз. Бу ўзгаришлар ён-атрофимизни, маҳаллаларимизни, қишлоқларимизни обод қилаётгани бор гап. Янгиланиш жараёнининг одамлар қалбига кўчаётгани эса энг катта ютуғимиз, аслида.*

*Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. 2009 йилнинг бундай номланиши юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Негаки, йил — ўн икки ой бозорларимиздаги тўкинликни таъминлашга ҳисса қўшувчи, қишнинг қаҳратони, ёзнинг саратони демасдан, ер билан тиллашувчи софдил инсонларнинг аксарияти қишлоқларда яшайди. Бундай фидойи кишиларнинг ҳаёт тарзини янада чуқурроқ ўрганиш, уларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишда жорий йил бекиёс аҳамият касб этмоғи тайин. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг қишлоқни тараққий эттириш борасидаги фикрлари, кўрсатмалари дилдаги эзгу орзу-ниятларга қанот бағишлади. Ва энг муҳими, яқин-яқингача ҳам кечаги кунни қўмсаб яшаган, ўтиш даврининг машаққатларини енгишга бўйни ёр бермаган айримлар эндиликдаги ўзгариш ва янгиланишларни кўриб, бугуннинг нафаси билан яшашга аҳд қилди.*

### Онгу шуурдаги ўзгаришлар

Ғайрат ака қишлоқда яшайди. У бир пайтлар колхоз фермасида бош чўпон эди. Бу билан мақтанишни, расмим идорамизнинг ҳурмат тахтасидан тушмайди, дея ғурурланиб юришни хуш кўрарди. Аммо унга илғорлик "унвон"ини берган ўша идора маошини боласининг бошига кийим олса, оёғига етказолмай хуноб бўларди. Вақт ўтиб, ҳаммаси ўзгарди. Қишлоқликлар ҳам энди меҳнатига яраша роҳат кўрадиган пайтлар келди. Ғайрат ака фермер бўлди. У чорвачилик билан шуғулланади, қарамоғида юзлаб туёқ бор. Юзга яқин қишлоқдошини иш билан таъминлаган. Бугун у кечагидек мақтанмайди, аксинча уни мақташади: тадбиркорлик ортидан обрў-эътибор қозонди, данғиллама уй қурди, сўнгги русумдаги шахсий автоулови бор, қишлоқдаги мактабни бошдан-оёқ таъмирлаб, элнинг дуосини олди, дея. Бу алқовлар унинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшади, кўксига шабада теккан фермер ишидан, ҳаётидан мамнун.

— Буларнинг бари истиқлол шарофатидан, — дейди у. — Шундай фаровон кунларга етишимизни таъминлашга бош-қош бўлган Президентимизга раҳмат. 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганлигидан, айниқса, хурсандман. Қаранг, бугун қишлоқларимизда замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар қад ростлаган. Энди кўчаларимиз ҳам, уйларимиз ҳам чиройли бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ТИББИЙ ХИЗМАТ РИВОЖЛАНМОҚДА

**2008 йилда республикамизда**



**26 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди.**

***Илғор тиббий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналарига эга ҳамда малакали врач ва ҳамширалар билан таъминланган ана шу қишлоқ шифохоналари тиббиёт соҳасидаги ислоҳотнинг қувонарли самараларидир.***

*Қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси фусункор табиат гўзаллигига уйғунлашиб кетган. Бугунги қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйлар мавжуд, балки болалар спорт иншоотлари, бири-биридан гўзал мактаб, коллеж ва лицейлар, қулай тиббиёт масканлари, телекоммуникация ва почта алоқаси шохобчалари ҳам одамларимизга беминнат хизмат кўрсатмоқда.*

# ҚИШЛОҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ОМИЛИ

Кўпгина қишлоқларимизда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналари барпо этилган ва бу жойларда юзлаб одамлар фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳлига бу имкониятларни истиқлол инъом этди, бугунги кунда бу имтиёзлар тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бормоқда. Зеро, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ҳақида гап борди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва шу аснода бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, мабодо ишлаб чиқариш инфратузилмаси автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг ва умуман, иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим шарти ва омили бўлса, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Табиийки, бу жараён кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳадир. Негаки, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш талаб этилади. Бу борада жойларда ҳокимиятлар, маҳаллий кенгаш депутатлари, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳамжиҳатликдаги фаолияти муҳим ўрин тутади. Замонавий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш мақсадида, жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 64,8 км. ичимлик суви тармоқлари янгитдан қурилди. Бу 68 минг аҳоли истиқомат қиладиган 30 та қишлоқни ичимлик суви билан тўла таъминлаш имкониятини берди. Жорий йилда ҳам бу хайрли юмушлар давом эттирилади — 81,2 км масофага янги сув қувурлари тортилиб, 40 мингдан ортиқ аҳоли (35 та қишлоқ) сув билан таъминланади.

Шунингдек, вилоятда уй-жой қурилиши ҳамда сервис хизмати

**Сенатор минбари**

объектлари бўйича ҳам кўзга кўринарли вазифалар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили 259 минг кв.метр уй-жой қурилди, 129 та кўп қаватли уйлар капитал таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, айни шу даврда 172 та янги сервис хизмати объектлари ишга туширилди. 2009 йилда бу шохобчаларнинг сони яна 200 тага кўпайиши режалаштирилмоқда. Бу хайрли тадбирлар туфайли ўтган йили 28 минг янги иш ўринлари вужудга келди. Сирдарёликлар бу кўрсаткични жорий йилда 40 мингтага етказишни ният қилганлар.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан "2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" махсус дастур қабул қилинганлиги бу соҳани юксалтириш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Буни барча соҳалардаги инфратузилмани ривожлантириш учун дастуриламалдир, десак янглишмаймиз. Биргина транспорт инфратузилмасини олиб қарайлик. Ушбу йўналишда ўтган йили Сирдарё вилоятида баракали ишлар амалга оширилди. 50 км. халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган йўллар қурилди ва капитал реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 14 йўналиш бўйича 35 км.дан ортиқ қишлоқ ички йўллари капитал таъмирдан чиқарилди ёки янгитдан қурилди. Бу ишлар янги йилда жадаллик билан давом эттирилмоқда. Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтганларидек, бевосита вилоятимизга таалуқли Жиззах — Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли линия ва Янгиер — Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли линия қурилиши юзасидан кўзда тутилган чора тадбирлар бошлаб юборилди. Бундан ташқари вилоятда 50 км.дан ортиқ ички йўллар ҳам таъмирдан чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларини кўриб кўзинг қувнайди ва беихтиёр хаёлингга бир савол келади: "Хўш, мен нима қилдим, Ватан истиқболи ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қандай савобли юмушларга қўл урдим?" Табиийки, бу савол барчада туғилади ва бажарган ишлари сарҳисоби кишига таскин беради ҳамда уни янги зафарлар сари ундайди. Биз меҳнат қилаётган Сирдарё шаҳридаги 2513-автокорхона жамоаси ўтган йили Сирдарё, Сайхунобод, Сардоба ва Мирзаобод туманларининг 1,5 мингдан ортиқ фермер хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатди. Яъни уларга ўғит, уруғлик чигит, шунингдек, етиштирилган ғалла ва пахта ҳосилини ташишда намунали транспорт хизмати кўрсатдик. Янги йўл қурилишида, ички йўлларни таъмирлашда фаол қатнашдик. Фермерлар ва йўлсозларга 300 миллион сўмдан ортиқ транспорт хизмати кўрсатилди. Бундан ташқари биз қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришда кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қурилиш билан шуғулланувчи фирмалар билан ҳам ҳамкорликда иш тутаяпмиз.

Ҳа, бугун ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш том маънода қишлоқларимиз тараққиётининг кафолатига айланган. Буни ҳар биримиз чуқур англаб етишимиз, бу хайрли йўлда фидокорона меҳнат қилишимиз лозим бўлади. Шундагина биз юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги учун ўз улушимизни қўшган бўламиз.

**Исроил ЭРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

***Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбир жорий йилнинг 22-27 февраль кунлари амалга оширилган "Андижон ва Қашқадарё вилоятлари босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг республика етакчи таҳририятларида малака ошириши" лойиҳаси якунларига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таҳририятлар раҳбарлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолари, лойиҳа иштирокчилари бўлган вилоят журналистлари ҳамда журналистика факультетларининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

**Учрашув**

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳа ва дастурлар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, бу борада вилоятлардаги таҳририятларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда мазкур фонд томонидан Нукус, Андижон, Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги етакчи газета таҳририятлари қошида ташкил этилган журналистлик маҳорат марказлари самарали фаолият олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу маҳорат марказларида 300 нафардан зиёд журналист малака оширганлиги эътиборлидир.

Давра суҳбатида андижонлик ва қашқадарёлик журналистлар бир ҳафта давомида марказий газеталар, ахборот агентликлари ҳамда журналистика факультетларида бўлиб, билим ва тажрибаларини бойитганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айни пайтда ушбу лойиҳа иштирокчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти билан танишдилар. Бундан ташқари Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экология ҳаракати ҳамда журналист кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртларида ўтказилган учрашув ва давра суҳбатларида қатнашиб, билим ва тажрибаларини бойитдилар.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

***Истиқлол туфайли барча соҳаларда бўлгани каби йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларга турли қулайликлар яратиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, соҳага доир ҳуқуқий муносабатлар изчил такомиллаштирилмоқда.***

Республика Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида ўтказилган тадбирда ана шу ҳақда сўз борди. Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан мамлакатимиз ҳудудида янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва унинг талони, шунингдек, янги миллий давлат рақами белгилари жорий этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони халқаро андозаларга тўла жавоб беради.

**Тадбир**

Тадбирда, шунингдек, 2008 йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Жумладан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилган ишларда бир қатор ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди.

Инсон дунёга бир бор келади. Шундай экан, у кимнингдир айби билан жабр кўрмаслиги лозим. Бунда транспорт йўлларида эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик, айниқса, муҳим омил саналади. Соҳа ходимлари йиғилишида ҳам ана шу эзгу мақсад яна бир бора уқтириб ўтилди. Токи, эрталаб яхши ният билан йўлга отланган киши борки, яна оиласи бағрига соғ-саломат қайтсин.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маънавият — беқиёс куч

(Давоми. Боши 1-бетда).

Алоҳида эътироф этиш жоизки, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби нашрдан чиқиши бу соҳада ўтган йилдаги муҳим воқелик бўлди. Ушбу асар миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ўтган даврда мазкур китоб тақдимоти ва тарғиботига бағишлаб марказ томонидан жойларда учрашув ва семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, марказ ҳузуридаги "Маънавият тарғиботчиси" ўқув курсида республикамиздаги вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, уларнинг минтақавий бўлимларининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга масъул 500 нафарга яқин ходимининг малакаси оширилди.

Тадбирда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида марказ томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган устувор вазифалар ҳам муҳокама этилди.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# САРА УРУҒ ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари баҳорги экин-текин ишларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Сир эмас, мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири — ерга сара уруғ қадаш.

Шу боис Баликчи туманидаги "Чинобод пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида баҳорги чигит экиш мавсумига ҳозирлик тадбирлари изчиллик билан олиб борилаяпти. Зеро, улар вилоятдаги фермерларга 541 тонна сифатли уруғлик чигит етказиб беришни ўз зиммаларига олган.

**Мавсум**

— Ҳозирда уруғлик чигитни туксизлантириш, саралаш, дорилаш ҳамда сифатини текшириш ишлари бажарилмоқда, — дейди жамият лаборанти Муяссархон Умарова (суратда). — Бунда асосий эътибор фермерларимиз учун уруғлик чигитни ўз вақтида тайёрлаш, ер шароитини ҳисобга олганда унинг сифатли униб чиқишига эришишга қаратилмоқда.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# МЎЛ ҲОСИЛГА ПОЙДЕВОР

***Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибидаги туманлараро "Косондавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси Қарши туманида кенг ҳажмда мелиорация ишларини олиб бормоқда.***

Жорий йилнинг февраль ойида 19 километр ҳажмда зовур қазиш ва тупроқ ишлари амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, ҳозирга қадар топшириқ муддатидан олдин тугалланди. Қарийб 100 миллион сўмлик қазиш ва тупроқ ишлари бажарилди. 9 та экскаватор ва бошқа техникалар кучидан унумли фойдаланилди. Айниқса, хориждан келтирилган 5 та янги русумдаги экскаваторлар иш суръати ва сифатини яхшилашда қўл келмоқда.

**Мелиорация**

Ушбу жамоа жорий йил охирига қадар туманларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 1 миллион 384 минг метр куб қазиш ишлари, 356 минг метр куб тупроқ-текислаш юмушларини амалга оширишни режалаштирган.

Умуман Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибидаги барча давлат унитар корхоналари томонидан йил охирига қадар 6 миллион 6 минг метр куб қазиш, 1 миллион 250 метр куб тупроқ-текислаш каби мелиорация юмушлари бажарилиши белгиланган. Бу ҳажмдаги ишларнинг амалга оширилиши воҳа экин майдонларида шўрланишнинг пасайишига, ер унумдорлигини ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

**Хизмат**

***Мамлакатимизда аҳоли ва фермер хўжаликларига қарашли чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.***

# ҲОМИЙЛАР МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

Навоий вилоятидаги зооветеринария пунктлари томонидан ўтган йили 285 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилгани фикримиз тасдиғидир. Жорий йилда яна ўнта зооветпункт ҳомийлар маблағи ҳисобидан ишга туширилади. Улар ўз фаолиятини бошлагач, қорамолларга хизмат кўрсатиш миқдори 304,6 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАЙЗУ ТАРОВАТДАН ЯШНАГАН ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тураржойларимиз, юрадиган йўлларимиз тоза ва озода бўлса, баҳридилинг очилади, ҳамиша яхши яшашга, чиройли ҳаёт кечиришга интиласан, киши. Бу йил амалга оширишни режалаштирган ишим ҳам шу: қишлоғимиз кўчаларини асфальт қиламан!

## Ишлайман, деганга имкон бор

Искандар Қобилов — қўли гул уста. У ҳақда гап очилса, "оддийгина бир ёғочни гапиртириб юборади-е" деб завқланиб гапиришади қишлоқдошлари. Янги қурилган иморатларга эшик ва ром ясовчи уста йигитнинг санъаткорона маҳоратини одамлар бениҳоя қадрлашади, етти чақирим нари қишлоқдагилар ҳам уста деганда, фақат Искандарни тан олишади. "Оғзингга сиққанини сўра, фақат менинг уйимга ўзинг эшик-ром ясаб бер, ука", дейдиганлар истаганча топилади. Шу йигит кимларнингдир гапига учиб, чет давлатда икки йил ишлаб келди. Унинг қўлида гулдек ҳунари бўла туриб, тўсатдан бундай йўл тутганини биров тушунди, биров тушунмади.

Тунов куни Искандар қишлоғига қайтибди. Ҳол-аҳвол сўраганларга шундай дейди:

— Уёқдагилар ҳунарим борлигини, қўлимдан анча-мунча иш келишини билгач, роса ишлатишди. Жон-жаҳдим билан меҳнат қилдим, ҳақиниям яхши тўлашди, лекин негадир кўнглим кемтик эди. Ўз юртимда ҳадеб илтимос қилиб келишларига, ойлаб навбат кутиб эшик-деraza ясаттиришларига ўрганиб қолган эмасманми, ёт одамларнинг қўрс муомалалари ғашимга тегарди. Юртимга кетаман, деганимда дастлаб йўқ, дейишди. Мақтаниш эмасу сенга ўхшаб яхши ишлайдиганларни тополмаймиз, деб айтишди. Мен эса уйимни, болаларимни, қишлоқдошларимни соғиндим, кетмасам бўлмайди, деганимдан сўнг кўнмай иложлари қолмади. "Юртингни, қишлоқдошларингни худди ўз уйинг, туғишганларинг каби соғинганингдан таъсирландик" дейишди...

Искандар қишлоққа қайтгач, ҳунарини ишга солиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни дилга тукканди. Шу мақсадини амалга оширмоқ ниятида банкка бориб, имтиёзли кредит сўради. Гарчи мактабдан бошқа жойда ўқимаган бўлса-да, табиат ато этган иқтидори бор унинг. Аниқ мақсад ва режаси бўлмаса бир ишни бошламайди.

Хуллас, Искандар бизнес-режани банк ходимларига топширди, табиийки, бу мутахассислар ни эътиборсиз қолдирмади. Улар дастлаб уч ой синов муддати билан кредит беришди. Қарзни ўз вақтида қайтаргач, энди банкнинг ишончли мижозига айланган Искандарга бир йил муддатга мўлжаллаб маблағ ажратилди. Шундай қилиб, икки-уч йилда уста ўзини бутунлай ўнглаб, ишни йўлга қўйиб олди.

— Чет элда бунақа имтиёз ва имкониятлар йўқлигини ўз кўзим билан кўриб келдим, — дейди у. — Хорижда биров бировга қайишмайди, тадбиркорлик қилмоқчимисан, марҳамат, ўзинг изла, қидир, топ, дейишади. Ўз ишим мисолида кўрдимки, бизда ишлайман, эл-юрт корига ярайман, деганлар учун катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, жорий йилда устахонамни яна ҳам кенгайтирмоқчиман. Ҳозирча ўттиз кишини иш билан таъминлашга қурбим етади. Улар ҳам ҳунар ўрганишади, ҳам ён-атрофда қурилаётган бино ва иншоотлар учун эшик-деraza дейсизми, ошхона, ётоқхона, уй мебелими — ясаб беришади. Ўзимиздан ортганини қишлоғимиз инфратузилмасини ривожлантиришга сарфлаймиз.

## «Ўзимиз ҳал қиламиз!»

Юртдошлар билан қишлоқ ислоҳотлари ҳақида фикрлаша туриб, қувонасан, киши. Зеро, бугун ҳар қандай муаммони ақлу заковат билан, ўзаро бамаслаҳат ва баҳамжиҳат ҳал этишга қодир, эл ташвишини ўзиники билиб аритадиган аҳил биродарларимиз кўп.

Азизхон отанинг мана бу мушоҳадаларига эътибор беринг-а:

— Болалик пайтимиздаги шароит билан бугунги кун орасида ер билан осмонча фарқ бор, — дейди у киши. — У замонларда чой қайнатишнинг ўзи бир муаммо эди. Ахир, газ деганини биз бир мўъжиза билардик. Бугунгидек тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам ўзига, ҳам ён қўшниларига нафи текса теккудек кишиларга эркинлик қаёқда эди, дейсиз.

Яқинда азим Тошкентга бордим. У ердаги ўзгаришларни кўриб, рости, ўзимни ёшариб кетгандек ҳис этдим. Ободончилигу бунёдкорликлар ғуборимни олди. Қанийди, бундай ўзгаришларга ҳар биримиз имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшолсак. Ҳар ким биттадан ниҳол қадаганда ҳам юрт қанчалар гуркираб-яшнайди-я! Бугунги фаровонлик, эркинликнинг қадрига етиб, асрларга татигулик ўзгариш ва ислоҳотларни ҳар биримиз дилдан ҳис этиб яшашимиз керак. Тўғри, унда-бунда камчиликлар, етишмовчиликлар ҳам учрайди. Аммо буларни бартараф этиш ўз қўлимизда. Бинобарин, ҳаётимизда нимаики камчилик ва етишмовчилик юз бермасин, барига ўзимиз сабабчи бўламиз. Уни ҳал этиш ҳам ўз зиммамизда бўлиши керак. Энг асосийси, тинчлигимизни асрайлик. Юртда осойишталик ҳукм сурса, ҳал этиб бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ.

Аслида бундай мулоҳазалар ҳар биримизнинг кўнглимиздаги гап эканлиги табиий. Зеро, истиқлолни қадрлайдиган, Ватан равнақини ўз манфаатлари қаторига қўйган киши борки, шундай фикрлайди. Энг муҳими, бугун бундай жонкуяр элдошларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлиш асносида шу азиз Ватан барчамизники, деган маънони уқиш мумкин.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ВАФО ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

***Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Ватанимиз, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндаларининг эл-юртимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳам ана шундай беқиёс қимматга эга. Шу боис, бугун шоиранинг нафақат барҳаёт ижодий мероси, балки ёрқин шахсияти ҳам эҳтиром ва эъзозда.***



**Эҳтиром**

Фасли кўкламнинг илк куни — 1 март Зулфия таваллуд топган сана. Бу санани ҳар йили кўклам сингари энтикиб, соғиниб қарши оламиз. “Сен баҳорни соғинмадингми?” дея шеър битганди шоира.

Зулфия умрининг ниҳоясида эл-юрт орзу қилган дориломон кунларни — Истиқлолни кўрди. Бу даврда шоиранинг беқиёс хизматлари муносиб баҳоланиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримов шоиранинг 80 йиллик юбилей тўйи муносабати билан Зулфияхонимга табрик хати йўллаб, уни самимий қутлади, ижодий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо берди. Вафотидан сўнг эса шоира номини абадийлаштириш мақсадида мактаб ва кўчаларга унинг номи берилди.

1999 йилда махсус Фармон асосида “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Ушбу мукофот адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида изланаётган, фаол, фидойи, ташаббускор ва иқтидорли қизларни кашф қилишда катта аҳамият касб этаяпти. Бундан кўзланган мақсад эса Ватанимиз шуҳратини дунёга таратадиган юксак салоҳият ва тафаккур соҳибларини камолга етказишдир.

Ўтган йил баҳорининг илк куни — шоира таваллуд топган санада эзгу бир ташаббус самарасига гувоҳ бўлгандик. Шу куни Президентимизнинг махсус қарори асосида Тошкент шаҳрининг сўлим гўшаларидан бирида ўрнатилган Зулфия ҳайкали очилди. Бу кўркам ҳамда муҳташам ҳайкал мунис ва меҳнаткаш, зукко ва нозик таъб аёл, садоқатли ва вафодор ёр, меҳрибон ва оққўнгил она, буви тимсолидир.

**Фаррух БЎТАЕВ.**

***Узоқ умр кўрувчилар ҳақида сўз кетганда кўпинча Япония ёки Кавказ тилга олинади. Тадқиқотчиларнинг фикрича эса, узоқ умр кўриш сирлари фақат макон ва муҳит ёки тўкис яшаш билан боғлиқ эмас. Чунки дунёнинг турли иссиқ ва совуқ ўлкаларида ҳам асрларни ортда қолдириб яшаётган инсонларни учратиш мумкин. Демак, узоқ умр кўриш, аввало, инсоннинг ўзига, табиатига, яшаш турмуш тарзига, сабот-матонатига, қолаверса, Яратганнинг иродасига боғлиқ. Ўзбекистонимизда ҳам юз билан юзлашган кўплаб бобо ва момоларимиз умргузаронлик қилишади. Шулардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида яшаётган, мамлакатимиздаги энг ёши улуғ, яъни бу йил 129 ёшга кирган табаррук онахон Тўти Юсуповадир.***

# Инсонни меҳр-оқибат асрайди

Тадқиқотчиларнинг айтган фикрига Тўти момонинг улуғ ёши, босиб ўтган ҳаёт йўли яққол мисол бўла олади. Момо бундан уч-тўрт йил аввал ҳам уйлари ёнидаги томорқада чевара келинларига экин-тикин ишларида кўмаклашарди. Эндиликда жисмоний куч сарфланадиган юмушларга ҳоли етмаса-да, ҳаво очиқ ва иссиқ кунлари эваралари ёрдамида боққа чиқади, бир оз бўлса-да, дала айланади. Шу сайрдан руҳи тетикланиб, ўзини бардам-бақувват сезади. Яшиллик, атрофдаги манзаралардан кўзи қувониб, баҳри дили очилади, кўнгли ором топади. Бу ҳисни, тафтни бутун умр инсонга ризқ-насиба берувчи ерни қадрлаб, қишлоқда яшаб келган одамларгина чуқур англайди ва заминдан қувват олади.

Момо ҳам эсини танибдики, дунёдаги насибасини ердан қидирди. Тақдир ва замон тақозаси туфайли ёшлигидан далада ишлади, буғдой ўрди, бошоқ терди. Бир ҳовуч донга зор бўлиб, очарчилик ва қаҳатчиликнинг минг бир азобларини ҳам татиб кўрди. Колхозлаштириш давридаги тала-тўпларни ҳам, уруш йилларидаги не-не машаққатларни ҳам бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон урушидан аввал вафот этган турмуш ўртоғи Бўдан оға жамики турмуш ташвишларини унга ташлаб кетганда ҳам иродаси букилмади. Бир бурда нон илинжида бировга эланмади. Қаттиқ ва оз бўлса ҳам, меҳнати билан топган нонига қаноат қилди. Ўз болаларини боқиш, тарбиялаш оғир кечган ўша даврда урушга кетган қариндошларининг фарзандларини ҳам паноҳига олди. Қашшоқ бўлса-да, ўзгаларга меҳри-оқибати баланд эди.

— Кўкламдан кузгача далада ишлаб, қишда канал қазирдик, — дейди момо олис ва машаққатли ўтмиш хотираларини эслаб. — Канал қазишда ишлаганларни “қўшчилар” дейишарди. Бир бурда зоғора нонимизни рўмолчага тугиб ишга борардик. Қаҳратонда музлаб қолган тупроқни қазиб, елкамизда кўтариб тепага олиб чиқар эдик. У кунларни эсласам, жигар-бағрим хун бўлади. Урушда эркаклардан айрилсак, бу ёқда меҳнатнинг зўридан нав-ниҳол аёллар нобуд бўлди ёки майиб-мажруҳга айланди.

Кўҳна Тўрткўл овулининг кайвониси Тўти момонинг кўрган-кечирганлари неча-неча китобларга жо бўлгулик. Уч асрни кўрган ҳамда ҳамон ҳаётга ташналик ва интиқлик билан қараётган кўзлари не-не ўзгаришларга гувоҳ бўлган. Момо ҳам аксарият қишлоқ аёлларидек содда, камтар, камсуқум, камгап. Лекин айтган ҳар бир оддий ва содда сўзидан ҳикмату ибрат оласиз. Тақдирида ёзилган не-не машаққатларни, ҳаётнинг оғир синовларини бошдан кечирган бўлса-да, ўтган умридан асло нолимайди, боз устига тилидан шукроналик тушмайди ва бошқаларни ҳам шундай яшашга ундайди.

— Ҳалол меҳнати билан ризқини топганнинг танаси ҳам дард билмас экан, — дейди момо. — Тонгдан шомгача ишлаган бўлсам-да, ҳеч бир касал бўлиб ётиб қолганимни эслолмайман. Шунинг учун болаларимга, невара, чевара ва эвараларимга “Ҳаромдан ҳазар қилинглар, умрнинг мазмуни ҳалолликда, ҳалол меҳнатдан”, деб қайта-қайта гапираман. Оч қолсанг ҳам, қийналсанг ҳам ёмон ишга қўл урма, иймонингни бут сақла, бир-бирингга меҳр-оқибатли бўл, дейман. Инсонни меҳр-оқибат асрайди. Шу

**Эй, умри азиз**

фазилат одамнинг умрига умр қўшади, болажонларим.

Момо ҳозир ҳам тетик. Келган меҳмонларни ўзи кутиб олади, анчагина вақт суҳбатлашиб ҳам ўтиради. Ҳангомаси ҳам кўп қизиқ. Тинглаб маза қиласиз. Кейин эшитганларингиздан мушоҳада юритиб, э-ҳе деб, дунёга бошқача нигоҳ билан қараб, ўзингиз ҳам ўтган умрингизни тафтиш қиласиз. Хонадондаги суҳбатлар давомида оила аъзолари, албатта, момонинг фикри билан қизиқишади. Шунда табаррук онахон “Бизнинг замонамизда шундай эди...” деб сўз бошлаганида даврадагилар яхши бир сўз эшитишга чоғланадилар. Ҳа, инсон бу ёшда хазина, тирик тарих, башарият тақдирига кўзгу бўлар экан. Айниқса, у яхши гап, гўзал муомала, фаришта тимсолли бўлса. Момо ўз сўзида тинч кунларимизнинг, фаровон замонанинг қадрига етишни кўп бора такрорлайдилар.

— Айниқса, мен ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан, — дейди Тўти момо. — Улар учун ҳамма шароитлар етарли. Ўқийман, деса ўқийди. Ишлайман деса иш бор. Давлатимиз биз, қарияларни ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ, ғамхўрлик кўрсатаётир. Нафақамизни вақтида олаётирмиз. Барака топкур туман катталари, яна бир яхши одамлар байрам кунлари, тўп-тўп бўлиб йўқлаб келишади. “Керакмас, ҳамма нарсам етарли”, десам-да совға-саломлар ташлаб кетишади. Майли, бу ҳам кўнгилга бир чироқ. Аслида биз кексалар учун дунё тинч бўлса, бола-чақамиз саломат юрса, эл тўқ бўлса, шунинг ўзи энг катта совға.

Ҳаммасидан ҳам бултур Республика Жоқарғи Кенгеси Раисининг шахсан ўзи келиб, Президентимиз номидан “Шуҳрат” медалини топширганида, қувонганимдан йиғлаб юборибман. Ахир кўзда нурим, белда қувватим, қўлда кучим борлигида колхознинг юкини елкада кўтардим. Лекин ўша даврларда бирон-бир мукофот олиш у ёқда турсин, раҳмат сўзини ҳам эшитмаганмиз. Ўша замонларда инсон қадрининг сариқ чақачалик аҳамияти йўқ эди-да, болам.

Мукофотни олганимда, мендай қўлидан бирор иш келмай қолган кампирнинг ҳам кўнглини кўтаришиб, медаль беришган экан, демак, кексалар ҳам қадр топадиган замон келибдида, дедим. Бугунги тинч ва тўқ кунларимизга шукроналар айтдим. Чунки ҳар куни невараларим, чевараларим янги гап топиб келади. Бири “Эна, қишлоғимизда янги мактаб қурилди”, деса, келиним “Момо, бугун қишлоғимиздаги янги дўхтирхонага бордим”, деб қувонади. Тунов куни набирам “Момо пенсиянгиз яна кўпайди”, дейди. Шу кунларга етказганлиги учун, аввало, Яратганга, қолаверса, эл ғамини ўйлаётганларга шукроналар айтдим. Энди бизнинг қўлимиздан келадигани дуо-да, болам.

— Чевара келиним хизматимни қилади, — дейди юзидаги ажинлари йилларнинг хатидек аксланган момо. — Ҳар ишда кўнглимга қарайди. Барака топсин. Сут-қатиқли таомларни хуш кўраман. Энди ёшларнинг бахтини тилаб, қилган меҳнатларимнинг роҳатини кўриб ўтирибман.



Ҳа, уч асрни бир-бирига боғлаб, умр юкларини ардоқлаб кўтариб келаётган табаррук онахоннинг бугунги кунларга шукронаси кўп. Момонинг дилида ҳам, тилида ҳам яхши дуолар. Авлодлари даврасида ўтирганида эса момони азим бир чинорга қиёслагингиз келади. Чинор ва унинг атрофини қамраб олган томирлар — зурриётлар. Бугунги кунда бу муҳтарам аёл нафақат ўз оиласида момо, балки бутун овулнинг момоси, фахр-ифтихори. Қолаверса, Ўзбекистонимизнинг энг кекса онаси. Момо бугун қон-қариндошлари, овулдошлари, эл-юрт ардоғида. Айниқса, Юртбошимиз мукофоти — кўксидаги медаль кўп йиллик ҳалол меҳнатига, умрини азиз билиб, бошқаларга ибрат бўлиб яшаганлигига нишона бўлиб, ўзига хўп ярашиб турибди.

**Қурбонбика ЮНУСОВА.**

***Мана, миллионлаб ишқибозлар орзиқиб кутган кунлар ҳам етиб келди. Эртага, мамлакатимизнинг бир неча стадионларида XVIII миллий чемпионат байроғи кўтарилиб, биринчи тур учрашувларига старт берилади.***

# ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, XVIII ЧЕМПИОНАТ!

Хабарингиз бор, футболимизда катта ислоҳотлар жараёни давом этмоқда. Бу, ўз навбатида, чемпионат ўйинларининг қизиқарли ва муросасиз ўтишини таъминлаши шубҳасиз. Қолаверса, олий лигада қатнашувчи ўн олтита жамоанинг барчаси янги мавсумга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрган.

“Бунёдкор”, “Пахтакор”, “Локомотив”, “Нефтчи”, “Насаф”, “Машъал”, “Шўртан”, “Андижон”, “Навбаҳор” каби етакчи жамоаларимиз эса қишки танаффусдаги ўқув-йиғин машғулотларини Испания, Туркия, Бирлашган Араб Амирликларида ўтказишди.

Жорий мавсум ўзбекистонлик футбол ишқибозларига олам-олам қувонч бағишлайдиган халқаро учрашувларга бой бўлади. Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг май ойида Осиё футбол конфедерациясининг PRO-лига қўмитаси томонидан 2009 йилги чемпионлар лигасида иштирок этишга даъвогар мамлакатлар рўйхати эълон қилинганида, Ўзбекистон вакиллари учун ажратилган ўрин кўпчиликни ажаблантирган эди. Осиёда кучли бешликка даъво қилувчи мамлакат футболи учун бу кутилмаган ҳолат сифатида қабул қилинди. Лекин, футболимиз мутасаддилари у ерда талаб этилган баъзи ҳолатлар бўйича бизда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар етарли эканлигини тушуниб етишди. Қисқа муддат ичида миллий чемпионатимиз мавқеини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида катта ишлар қилинди. Янгитдан ташкил этилган Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси бугунги кунда клубларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга яқиндан ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Албатта, амалга оширилаётган ижобий ишлар Осиё футбол конфедерацияси мутасаддиларининг мамлакатимиз футболига муносабатини кескин ўзгартирди. Натижада, Ўзбекистоннинг иккита жамоаси (“Пахтакор” ва “Бунёдкор”)га “Осиё чемпионлар лигаси — 2009” гуруҳ босқичида қатнашиш учун ўрин ажратилди. “Нефтчи” эса ОФК кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Ўзбекистон чемпиони “Бунёдкор” “Д” гуруҳида “Ал-Шабаб” (БАА), “Сепахон” (Эрон) ва “Ал-Иттифоқ” (Саудия Арабистони) жамоалари билан, “Пахтакор” эса “А” гуруҳида “Ал-Ҳилол” (Саудия Арабистони), “Ал-Аҳли” (БАА) ва “Саба Баттери” (Эрон) жамоаларига қарши кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати ва 2011 йили Қатар давлати мезбонлик қиладиган Осиё чемпионатининг финал қисмига чиқиш учун саралаш мусобақаларида иштирок этади.

Ўтган йили Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, Мисрда бўладиган жаҳон чемпионати финал қисмига йўлланмани қўлга киритган эди. Умид қиламизки, ёш футболчиларимиз шу йилнинг сентябрь ойида ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам мухлислар ишончини оқлашади.

Демак, 1 март куни бошланадиган Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг биринчи тур ўйинларида “Андижон”— “Локомотив”, “Пахтакор”— “Бухоро”, “Насаф”— “Шўртан”, “Навбаҳор”— “Олмалиқ”, “Металлург”— “Хоразм”, “Сўғдиёна”— “Машъал”, “Динамо”— “Бунёдкор”, “Қизилқум” — “Нефтчи” жамоалари майдонга тушадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Қишлоқ оҳанглари»

**Кўргазма**

Фарғоналик таниқли рассом Абдумажид Акбаров Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб шахсий кўргазмасини ташкил этди. Вилоят ахборот-кутубхона марказида иш бошлаган кўргазма “Қишлоқ оҳанглари” деб аталади.

Кўргазмадан, асосан, вилоят олис қишлоқларининг истиқлол йилларидаги манзаралари, тарихий обидалар, қишлоқ кишиларининг турмуш тарзини акс эттирувчи кўплаб ижодий асарлар ўрин олган.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Шаҳрихон туманида мурувватли инсонлар кўп. Улар меҳнат қилиб топган даромадларининг бир қисмини эзгу ишларга йўналтирмоқдалар.***

# МУРУВВАТДАН ОЛАМ ЯШАРАР

**Ибрат**

“Шуҳрат” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳратбек Ўринбоев Гулистон маҳалла фуқаролар йиғинига замонавий компьютер жамламасини совға қилди. Яна бир фермер Маматош Паттаев топган даромадидан 2 та кўприк қурди, 10-мактабга газ тармоғи тортишга кўмаклашди. “Пахтакор тонги”, “Қашқар диёри”, “Паҳлавон” фермер хўжаликларининг саховатпеша раҳбарлари эса кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол ҳадя этдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО



**(28 февраль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Жойларга туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи ҳудудларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво очиқ бўлади. Кечаси 2-4, кундузи 14-16 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


## РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 1 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилганлигини маълум қилади:**

**I.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 26 декабрдаги ЖСК-1-538/08-сонли ижро варақасига асосан Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Панжакент кўчаси, 105-уйда жойлашган «Самарқанд тўқимачилик атторлик фабрикаси» МЧЖга қарашли:

Маъмурий бино, ертўла ва маъмурий бино ичидаги 19 номдаги офис ашёлари билан, 1986 йилда қурилган, майдони — 202,40 м².

Жами бошланғич баҳоси — 63 728 646 сўм.

1-сонли ишлаб чиқариш цехи ва цех ичидаги 7 номдаги асбоб-ускуналари билан, 1986 йилда қурилган, майдони — 967,20 м².

Жами бошланғич баҳоси — 299 263 980 сўм.

«ТКТП-400» русумли трансформатор ва атторлик цехи, 1930 йилда қурилган, майдони — 743,48 м².

Жами бошланғич баҳоси — 216 210 681 сўм.

**II.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, ХЕАТ «Парвина» банки ва унинг тизимидаги хўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

**1.** Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уй, «Самарқанд автотеххизмат» 1-сон автосалон омборхонасида сақланаётган:

* «Дамас» русумли автомашина, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AQ 996, техник соз.
Бошланғич баҳоси — 6 406 500 сўм.
* «Дамас» русумли автомашина, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 BB 896, техник соз.
Бошланғич баҳоси — 6 496 733 сўм.
* «Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 109, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 5 825 795 сўм.
* «Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 110, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 5 645 150 сўм.

**2.** Самарқанд шаҳри, аэропорт ҳудуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «СУ-855» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

* «МАЗ-5549» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 068, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 140 400 сўм.
* «ГАЗ-53» русумли автомашина, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 41-53 ТНП, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 140 400 сўм.
* «ЗИЛ-130» русумли автомашина, давлат белгиси 42-09 ТНН, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 750 000 сўм.
* «МАЗ» русумли автомашина, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 13-24 ТНП, техник соз.
Бошланғич баҳоси — 17 385 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истаги бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Узсаноаткурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзил: Самарқанд ш., М. Улуғбек к., 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона.
Телефон: (8-366) 234-06-38.


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимовга падари бузруквори

**АБДУРАҲИМ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти жамоаси институт профессори, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси аъзоси К.Ж. Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**САОДАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекэнерго” ДАК раҳбарияти “Фарғона электр тармоқлари” ОАЖ директори Улуғбек Мадмусаевга онаси

**Ҳалима МАДМУСАЕВАнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ** 1992-2008 йилгача бўлган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини ҳамда маркаларни кляссер ва буклетларда тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.30 7